**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
05.02.2014 й.
N 22**

# ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ МАРКИРОВКА ҚИЛИШ ВА БОЖХОНАДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1-илова. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш Қоидалари

2-илова. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2013 йил 13 майдаги 127-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида" 2013 йил 29 январдаги ПҚ-1913-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, истеъмол упаковкасига (идишига) эга бўлган дори-дармонларни (ТИФ ТН бўйича коди 3004) импорт қилиш давлат тилида мажбурий маркировка қилинган ҳолда амалга оширилади.

Импорт қилинадиган дори-дармонларни маркировка қилиш истеъмол упаковкасига (идишига) истеъмолчи учун давлат тилидаги ахборотни қистирма варақа шаклида жойлаштириш йўли билан, упаковкасида қўшимча маркировкасиз амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўйиладиган давлат тилидаги маркировкаси мавжуд бўлмаган тақдирда импорт қилинаётган дори-дармонларни улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилгандан кейин, божхона омборида сақлаш вақтида, гуруҳли упаковкага давлат тилидаги қистирмаларнинг тегишли бирликларини жойлаштириш йўли билан маркировка қилишга йўл қўйилади.

Дори-дармонлар маркировкасининг давлат тилидаги матни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори-дармонлар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2013 йил 13 майдаги 127-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 5-сон, 29-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев**

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**2014 йил 5 февралдаги**
**22-сон қарорига**
**2-ИЛОВА**

## Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2013 йил 13 майдаги 127-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 5-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги "Товар маркировкаси (этикетка, бирка, лейбл)да" сўзлари "Истеъмол упаковкаси (идиши) (этикетка, бирка, лейбл)да" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

"Маркировка қилинадиган товарларнинг айрим турлари тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

2. 1-иловада:

17-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

изоҳ чиқариб ташлансин.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами",
2014 йил 10 февраль, 6-сон, 67-модда

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами",
2014 йил, 2-сон, 10-модда